30 (530)-сон — 25 —

351-модда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ КАРОРИ

351 Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузурида Таълим муассасаларида электрон таълимни жорий этиш марказини ташкил этиш тўгрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида «Электрон таълим» миллий тизимини яратиш» инвестиция лойихасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўгрисида» 2012 йил 16 апрелдаги ПҚ−1740-сон қарорининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида юқори технологик даражада ўкув жараёнини ташкил этиш учун электрон ўкув-методик ва ахборот-кутубхона ресурслари, ахборот тизимлари шакллантирилишини таъминловчи ягона органни ташкил қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

- 1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузурида Таълим муассасаларида электрон таълимни жорий этиш марказини (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) ташкил этиш тўгрисидаги таклифи қабул қилинсин.
 - 2. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:
- «Электрон таълим» миллий тизимининг маъмури ва бошқариш функциясини амалга ошириш;

олий ва ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан видеоконференц-алоқа ва масофадан ўқитиш методларидан фойдаланган холда ўкув жараёни ва илмий-тад-қиқот ишларини ташкил этиш лойихаларини амалга ошириш;

олий ва ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг «Электрон таълим» миллий тизими ахборот-таълим ресурсларидан эркин фойдаланишини таъминлаш;

олий ва ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ташкил этиладиган ва «Электрон таълим» миллий тизимига киритиладиган электрон методик комплекслар ва бошқа таълим ресурсларига ягона талабларни ишлаб чиқиш;

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш муассасалари педагоглари учун ўкув жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича махсус ўкув курсларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

таълим жараёнида компьютер ускуналаридан фойдаланишнинг самарадорлигини тахлил қилиш ва мониторинг олиб бориш, олий ва ўрта-махсус,

касб-хунар таълими муассасаларининг компьютер ва коммуникация воситаларини янгилаш буйича тавсиялар ишлаб чикиш.

- 3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Таълим муассасаларида электрон таълимни жорий этиш марказининг тузилмаси иловага мувофик тасдиклансин.
 - 4. Белгилаб қуйилсинки, Марказ фаолиятини молиялаштириш:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

халқаро ташкилотларнинг хайрия маблағлари, грантлари;

хужалик фаолиятидан олинган маблағлар, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

бир ой муддатда Марказнинг устави белгиланган тартибда ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини, шунингдек Марказнинг давлат руйхатидан утказилишини таъминласин;

Марказни Тошкент шахри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 2-уй манзилидаги Тошкент давлат техника университети биносига ижара тўловисиз жойлаштирсин;

Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий мухофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишган холда икки ҳафта муддатда Марказ ходимлари разрядларини ишлаб чиқсин ва уларнинг мехнатига ҳақ тўлаш шартларини тасдиқласин;

Марказни зарур ихтисосли малакали кадрлар билан таъминлаш, шунингдек унинг моддий-техника базасини шакллантириш чора-тадбирларини курсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишуви ва Марказнинг асосланган хисоб-китоблари буйича хар йили Марказни жихозлаш ва сақлаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармасидан зарур маблағлар ажратсин.

- 7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Узбекистон Республикасининг Бош вазири


Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш., 2012 йил 25 июль, 228-сон Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,

2012

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 25 июлдаги 228-сон қарорига ИЛОВА

Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Таълим муассасаларида электрон таълимни жорий этиш марказининг ТУЗИЛМАСИ



Ходимларнинг чекланган умумий сони — 26 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари сони — 14 киши.

